

Изоҳ:

1. Ўқув режасига қўшимча киритиладиган модулар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи асосида амалга оширилади.
2. Ўқув режасидаги модуларга ажратилган соатлар миқдори аудитория ва мустақил таълим соатларини қамраб олади.
3. Мазкур ўқув режа асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналишидан келиб чиқиб ишчи ўқув режа тузилади ва таянч олий таълим муассасасининг Кенгашида тасдиқланади. Бунда таянч олий таълим муассасасига ҳафталик ўқув юкласини сақлаган ҳолда модулар ҳажмини 5% гача ўзгартириш ҳуқуқи берилади.
4. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ва амалий хорижий тил модуллари бўйича амалий машғулотлар иккита кичик гуруҳларга бўлиб ўқитилади (хар бир кичик гуруҳда камида 10-12 нафаргача тингловчилар бўлиши шарт билан).
5. Машғулотлар муаммоли маъруза, семинар-тренинг, давра суҳбати, мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ҳамда бошқа интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда олиб борилади.
6. Кўчма машғулотлар олий таълим муассасалари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа корхона ва ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик муассасаларида ташкил этилади.
7. Мустақил таълим тегишли модуль дастурида келтирилган мавзулар бўйича тайёрланган топшириқлар асосида амалга оширилади.
8. Педагогик амалиётда тингловчиларнинг тегишли кафедраларда дарсларни кузатиши, очик маъруза ва амалий машғулотлар ўтказиши, ўтказилган дарсларни муҳокама қилиши ва танқидий таҳлил этиши режалаштирилган.
9. Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси модулар бўйича жорий назорат, педагогик амалиёт яқунлари, касбий фаолият кўрсаткичлари, чиқиш тест синовлари натижалари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини химоя қилиш асосида ўтказилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашида маъқулланган.

2017 йил «18» 08 даги 4 -сонли баённома.

1/ Янги дастурлар ва ўқув адабиётларнинг жорий қилинишини назорат қилиш Бош бошқармаси
Бошқарма бошлиғи

О.Ш.Исмонлов

Бош илмий-методик марказ
директори

У.Ш.Бегимқулов

ЎзМУ ректори

А.Р.Марахимов

ЎзМУ ҳузурдаги тармоқ (минтақавий)
марказ директори

Б.Х.Эшчанов